Ўлкамизда Наврўз нафаси

2008 ЙИЛ, 19 МАРТ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 52 (11.113) | Баҳоси эркин нархда

ХАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА РАСМИЙ ТАШРИФИНИНГ ИККИНЧИ КУНИ АБУ-ДАБИ МАРКАЗИДАГИ ШАЙХ ЗОИД БИН СУЛТОН ОЛ НАҲАЁН МАҚБАРАСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

1971-2004 йиллар давомида Бирлашган Араб Амирликларига раҳбарлик қилган бу арбоб мазкур давлатнинг ташкил топиши, мустақилликка эришиши ва ривожланишига ғоят катта ҳисса қўшган. Унинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам жуда юқори эди.

Ислом Каримов мақбара ёнида барпо этилган масжидни ҳам кўздан кечирди.

Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари Дубай шаҳрига келди.

"Заабил" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ислом Каримов Дубай Амирлиги Бирлашган Араб Амирликларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутишини, Ўзбекистон билан ҳамкорликни фаол ривожлантираётганини таъкидлади.

Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Араб Амирликларининг Марказий Осиёдаги энг ишончли шерикларидан эканлигини, ушбу ташриф ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси, янги лойиҳаларни тузиш имкониятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи якунига етди. Ташриф асносида мамлакатларимиз ўртасида хавфсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси, сайёҳлик, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик, қимматли қоғозлар бозори, савдо-саноат ҳамда илм-фан ва маданият муассасаларининг ҳамкорлигини назарда тутувчи қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ўзаро муносабатларнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Абу-Даби – Дубай – Тошкент.

БАА МАТБУОТИ ТАШРИФ ҲАҚИДА

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАШРИФИНИ КЕНГ ВА ИЗЧИЛ ЁРИТИБ БОРМОҚДА.

Абу-Даби, 18 март. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

"Ал-Иттиҳод" ва "Ал-Баян" газеталарида 18 март куни "Халифа Ўзбекистон раҳбари билан икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди", "Муҳаммад бин Зоид Ўзбекистон — БАА алоқаларини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидламоқда", "Ўзбекистон — БАА муносабатлари мустаҳкамланмоқда", "Ўзбекистон ва БАА ташқи ишлар вазирларининг учрашуви", "Ўзбекистондаги ислом ёдгорликлари фотокўргазмаси" мавзуида мақолалар чоп этилди. "БАА Президенти олий мартабали меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Ўз навбатида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон БАА билан иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди", дейилади дастлабки мақолада.

Ислом Каримовнинг Абу-Даби Амирлиги валиаҳди билан учрашувига бағишланган мақолада Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ушбу тарихий ташриф Ўзбекистон — БАА муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлагани келтирилган. Валиаҳд икки мамлакат ўртасида делегациялар алмашуви амалиётини изчил давом эттириш зарурлигини қайд этган.

БАА матбуоти ташриф асносида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтганини ёзди, улар тўғрисида ахборотлар берди. Шунингдек, 2008 йил 18 март куни Абу-Даби маданият марказида Ўзбекистондаги ислом маданияти ёдгорликларига бағишланган фотокўргазма очилганини хабар қилди. Газеталарда қайд этилганидек, "очилиш маросимида марказ раҳбари Абдулла ал-Амрий бу кўргазма икки мамлакат ўртасида маданий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади деди".

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Халқимизда «Хунар — хунардан ризқинг унар» деган ажойиб нақл бор. Ушбу нақлга амал қилган каштачи-чевар Дилфуза Фозилова ўзи тайёрлаган кашта буюмлари билан элга танилмоқда.

СУРАТДА: Дилфуза Фозилова (ўнгда) маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Қисқа сатрларда

● **ЁШЛАР** йилига туҳфа сифатида пойтахтимизда ташкил этилган «Маликабону зиё» ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади.

● **«ИНФОКОМ УЗ»** форуми ва Ўзбекистон ахборот технологиялари агентлиги ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда алоқа соҳасининг ривожига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида кўрик-танлов эълон қилинганлиги маълум қилинди. Ушбу танлов 12 майга қадар давом этади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ҳамкорликларида германиялик мутахассислар иштирокида ўтказилган семинар «Киндер мюзик» таълим дастурининг моҳияти, ушбу дастурнинг Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билимининг шаклланишига қўшадиган ҳиссаси масалаларига бағишланди.

● **БУГУН** Республика Кўзи Ожизлар жамиятининг Ҳамза туман бўлимида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Наврўз — навбаҳор фасли» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат шарқшунослик университетида япониялик олимлар, шарқшунослар, талабалар иштирокида тилнинг маданият ва тараққиёт ривожида тутган ўрни хусусида ўтказилган анжуман Ёшлар йилига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН — БОЙ ИҚТИСОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

ЭРОННИНГ «КОРГАЗАРОН» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА ТАНИҚЛИ СИЁСАТШУНОС БАҲРОМ АМИРАҲМАДИЁННИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЕТАКЧИ ДАВЛАТ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИ ЧОП ЭТИЛДИ.

Унда жумладан, 2007 йили ўтказилган республика президенти сайловлари Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим воқеа бўлгани қайд этилади. Ислом Каримов сайловчиларнинг 88 фоиздан кўпроқ овозини тўплаб, мутлақ ғалабага эришгани, Президент юритаётган сиёсат халқ томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир.

Экспертнинг таъкидлашича, у 2007 йилда президентлик сайлови арафасида Ўзбекистонга ташриф буюриб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларидаги ўзбек зиёлилари ҳамда аҳоли вакиллари билан эркин мулоқот қилиш имконига эга бўлган.

Б.Амираҳмадиён мамлакатда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорликка бевосита гувоҳ бўлганига тўхталар экан, бой иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг қудратли ва нуфузли давлат эканини қайд этди. «Республика бўйлаб сафарим чоғида, мен бу ерда замонавий иқтисодий инфратузилма ва транспорт тармоғи яратилгани ҳамда давлат томонидан шаҳар ва қишлоқларда оқилона сиёсат амалга оширилаётганига шахсан гувоҳ бўлдим», деб ёзади муаллиф.

Унинг таъкидлашича, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани 2007 йилдаги муҳим воқеалардан бири ҳисобланади. Бу ўзбек халқининг Ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасининг халқаро миқёсда яна бир эътирофи бўлди. Ўзбекистонда кўплаб халқаро илмий-маданий конференциялар ўтказилди. Уларда халқаро ташкилот раҳбарлари ва вакиллари билан биргаликда мусулмон оламининг қатор давлатларидан ташриф буюрган таниқли сиёсат, фан ва маданият арбоблари ҳам иштирок этди.

Газетада шунингдек, қуйидаги сўзлар баён этилган: «Ўзбекистон ҳукумати томонидан тарихий ва диний обидаларни қайта тиклаш масаласига қаратилаётган эътибор таҳсинга сазовор. Сўнгги йилларда Тошкентда Ҳазрати Имом мажмуаси, Қуръоннинг қадимий нусхаларидан бири – «Усмон мусҳафи» сақланаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси музейи ва кутубхонаси, Самарқанд шаҳрида Ислом дунёсининг алоҳида ғурур ва фахр-ифтихори манбаи бўлган Имом ал-Бухорий мажмуаси ҳамда Регистон ансамбли қайта таъмирланди».

Мақолада таъкидланишича, шаҳар ва қишлоқларнинг замонавий қиёфаси, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакат ҳукуматининг ўз халқига кўрсатаётган доимий ғамхўрлигидан далолат беради. Ўзбек халқи эса ўз навбатида давлат раҳбарияти юритаётган, жамиятда барқарорлик ва осойишталикни таъминлаб келаётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлашини билдирмоқда.

«Жаҳон» АА

2008 — Ёшлар йили

БОЛАЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Тадбирда Ўзбекистон Болалар жамғармаси бошқаруви раиси И.Юсупова болалар манфаатини ҳимоя қилиш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг қатор фармонлари қабул қилинди, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлиғини сақлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида давлат дастурлари, кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётир. Мамлакатимиз жамоат ташкилотлари ҳам фарзандларимизнинг порлоқ келажагини таъминлаш йўлидаги ушбу хайрли ишларда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси фаолиятининг асосий соҳалари ўсмирлар ва ёшларни демократик туб ўзгаришларни амалга оширишга кенг жалб қилиш, жамиятимизда оила институтини мустаҳкамлаш, ҳаётда мураккаб вазиятга тушиб қолган болалар учун мўлжалланган ижтимоий дастурларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш,

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИНИНГ ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ПЛЕНУМИДА "ЁШЛАР ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД МАНФААТИ ЙЎЛИДА ЎЗ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

мақсадли хайрия тадбирларини ўтказиш, катталар ва болаларнинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларини ошириш ҳисобланади.

Ота-она қаровисиз қолган ва етим болалар ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамғарма оилавий болалар уйларига доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, қариндошлари оиласида тарбия топаётган етим болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича "Менинг уйим – менинг чироғим" дастури амалга оширилмоқда. Барча ҳудудларда, асосан олис қишлоқ туманларида ёш болалари бор ёлғиз аёлларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ўқув-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилди. Бу ерда ёш оналар нафақат ўзлари учун керакли касбни эгаллаш, балки ишлаб даромад топиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Бу пайтда уларнинг фарзандлари тажрибали тарбиячилар назорати остида бўлади.

Жамғарма ҳузурида фаолият кўрсатаётган пойтахтимиздаги "Меҳр таянчи" маркази ҳаётда мураккаб вазиятга тушиб қолган болаларга ижтимоий хизмат кўрсатмоқда, болали, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш учун "Кўп болали оила", бемор фарзандлари бор оилалар учун "Ҳаёт туҳфаси" дастурлари амалга оширилмоқда.

Жамғарма Халқаро болалар фондлари ассоциацияси аъзоси ҳисобланади, болалар муаммолари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар, жумладан ЮНИСЕФ, ЖСТ, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Пленум иштирокчилари мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялаш, уларда фуқаролик позицияси, етакчилик фазилатлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар. Жамғарманинг Андижон вилояти бўлими раиси М.Мирзаева, Наманган вилояти бўлими раиси Г.Рапиғалиева, жамғарма Оила кенгаши аъзоси Н.Маҳмудова ва бошқалар бу борадаги фаолият самарадорлигини ошириш учун иқтидорли, ижтимоий ҳаётда фаол болалар ва ўсмирларни, шу жумладан, жамғарма ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистон Ёш авлод кенгаши аъзоларини ўз тенгқурларини тарбиялаш жараёнига янада кенг жалб қилишга эътибор қаратиш зарурлигини қайд этдилар.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Инсонпарварлик юки ортилган «ЭКОСАН» саломатлик поезди» бу гал Тошкентдан Бухоро вилоятига йўл олди. 45 миллион сўмлик ёрдам, жумладан, болалар ва катталар учун кийим-кечаклар, пойабзаллар, дори-дармон ва бошқа халқ истеъмоли моллари вилоят аҳолисига ҳамда ижтимоий соҳа объектларига етказилади.**

● **Кеча Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан эълон қилинган «Педагогик грантлар дастури» ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов шартларига кўра педагоглар учта йўналиш бўйича ўз лойиҳалари ва инновацион ташаббусларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди.**

● **Тошкент вилояти ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида вилоятнинг турли чеккаларида яшаётган меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун «Наврўз — меҳр-мурувват ва саховат айёми» шиори остида катта байрам тадбири уюштирилди.**

● **Бухорода тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандларнинг «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди ва танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

● **Тошкентда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданияти маркази томонидан Тошкент Давлат шарқшунослик институти билан ҳамкорликда «Марказий Осиё ва Ҳиндистон мулоқоти: бой маданий ва тарихий мерос асосига қурилган ҳамкорлик» мавзуида икки кунлик халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан етакчи ҳиндшунослар ва ҳиндистонлик олимлар иштирок этишди.**

● **Сурхондарё вилоятининг Денов туманида Наврўз байрами арафасида 50 минг тупдан ортиқ япон софораси ва 10 минг туп каштан кўчатлари ўтказилди.**

● **Наманган шаҳридаги Конституция майдонидан йўлга чиққан велосипедчилар ўз марафонларини Наврўз байрами ва Ёшлар йилига бағишлашди. Унда 50 нафарга яқин спортчи иштирок этди. Марафончилар Уйчи, Наманган, Норин туманлари бўйлаб 60 километрдан ортиқ масофани босиб ўтиш жараёнида йўлдаги қишлоқлар аҳли билан учрашувлар ўтказишди.**

ЖАҲОНДА

● **Хитой Давлат Кенгаши котиби Вэнь Цзябао Тибет етакчиси Далай-Лама XIVни мамлакатда юз бераётган тартибсизликларнинг олдини олишга чақирди. Шундан сўнг Хитой ҳукумати тибетликлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиши мумкин.**

● **Бельгиянинг сиёсий партиялари Фламанд христиан демократларининг етакчиси Ив Летерм бошқарадиган коалицион ҳукуматни ташкил этиш юзасидан келишувга эришишди. Летерм бошчилигидаги ҳукумат собиқ бош вазир Ги Верхофстадт раислигидаги вақтинчалик Вазирлар Маҳкамаси 20 мартда ўз ваколатларини топширганидан сўнг фаолиятини бошлайди.**

● **Москвада АҚШ ва Россия дипломатик ва мудофаа ташкилотлари раҳбарларининг ўзаро учрашуви ракетага қарши мудофаа тизимининг Европага ўрнатилиши бўйича муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги ҳолда якунланди. Бироқ, келгусида ушбу муҳим масала юзасидан музокараларнинг давом эттирилиши таъкидланмоқда.**

● **Украина Олий Радаси мансабини суиистеъмол қилганлиги учун Киев шаҳри мэри Леонид Черновицкийни истеъфога чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Яна икки ойдан сўнг шаҳар мэрини сайлаш юзасидан муддатидан олдин сайловлар ўтказилади.**

● **Жорий йилнинг 25 мартидан бошлаб Россия Грузия билан ҳаво алоқаларини қайтадан тиклайди.**

● **Италияда дунёга машҳур Parmalat концерни инқирози юзасидан суд муҳокамаси бошланди. Суднинг қора курсисида 55 киши, жумладан, компания раҳбари ва асосчиси Кависто Танци, унинг укаси, молиявий директор ва бир қатор банкирлар ўтирибди. Улар катта миқдордаги молиявий найранг ва фирибгарликда айбланишмоқда.**

● **Буюк Британияда дунёдаги энг катта босмахона фаолият бошлади. Мазкур мажмуа қурилишига 650 миллион фунт стерлинг миқдоридаги маблағ сарфланган бўлиб, босмахона дунё медиа-магнатларидан бири Руперт Мэрдокка тегишлидир.**

● **Швейцария ташқи ишлар вазири Миш Лин Калми-Рейнинг Теҳронга расмий ташрифи чоғида Швейцариянинг Эрондан газ сотиб олиши борасидаги келишув лойиҳасига имзо чекилди. Ўзаро келишувга мувофиқ эндиликда Эрондан йилига 5,5 миллиард кубометр газ махсус қувурлар орқали Швейцарияга етказиб берилади. Қувурлар 2010 йилгача ўрнатилади.**

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ЁШЛИК" ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИДА "ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ" МАВЗУИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Саифназаров, «Адолат» социал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси раҳбари ўринбосари С.Турсунов, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Х. Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдек масъулиятли жараёнда ёш авлод таълим-тарбияси, унинг камолоти ва истиқболи ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш устувор аҳамият касб этаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Уларга асосан ёшларнинг чуқур ва мукаммал таълим-тарбия олиши, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавиятини янада юксалтириш учун барча шароитлар яратилмоқда. Янги-янги таълим, соғлиқни сақлаш, соғломлаштириш, маданий-маърифий масканлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори бу борадаги эзгу ишлар кўламининг тобора кенгайишига имкон яратмоқда. Давлат дастури навқирон авлодга юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яққол ифодаси бўлиб, унда узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш, ёшларнинг манфаатларини тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни турли ғоявий-мафкуравий таъсирлардан асраб-авайлаш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Семинарда қайд этилганидек, бу вазифаларни самарали бажариш учун тегишли вазирлик ва идоралар, турли тузилмалар, жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ижобий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАЪРУЗАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ ЮЗАСИДАН БРИФИНГ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирда Франция расмий, ижтимоий-сиёсий, таҳлилий, ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари, хорижий дипломатлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Брифинг иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузаси, жумладан мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий кўрсаткичлари ҳамда 2008 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари юзасидан батафсил маълумот берилди.

Жорий йилда республика иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришди. Бу хориж сармоясини кенг жалб этиш учун қулай шароитлар яратаётган иқтисодиётидаги туб ўзгариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш билан боғлиқ, шунингдек аниқ мақсадга йўналтирилган узоқ муддатли стратегия маҳсули бўлгани қайд этилди. Мазкур чора-тадбирларнинг пировард мақсади шубҳасиз, мамлакат аҳолиси фаровонлиги даражасини юксалтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон раҳбариятининг иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий-гуманитар соҳани такомиллаштириш ва таълим тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам брифинг қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Меҳмонлар эътиборига Ўзбекистонда «Ёшлар йили»га бағишлаб суратга олинган «Келажак сари интилиб» номли ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Тадбир якунлари бўйича ташкил этилган мунозара ва суҳбатлар чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва изчиллиги таъкидлаб ўтилди.

Франциянинг «THALES» компанияси вице-президенти Мишель Рикар «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида қуйидагиларни қайд этди: «Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор юксак суръат ва кўрсаткичлари акс этган маърузаси менда кучли таассурот уйғотди. Юртингизда «Ёшлар йили», деб эълон қилинган ушбу йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ёшларнинг шижоат ва саъй-ҳаракатлари туфайли ҳам янада мустаҳкамланишига ишонаман. Мен Ўзбекистонни юксак салоҳиятга эга деб биламан. Зеро, аҳолисининг аксариятини сергайрат ва ўқимишли ёшлар ташкил этади. Улар мунтазам равишда ўз қўникма ва билимларини ошириб боришга интилиб, шу йўсинда мамлакат тараққиёти ва гуллаб-яшнашида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшади».

«Жаҳон» АА
Париж

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА ҚУРОЛЛИ-КУЧЛАР ЗОБИТ ВА АСКАРЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ "НИҲОЛ" МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ МАНЗУРА ЙЎЛДОШЕВА БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ.

ҲАРБИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбир зобит ва аскарларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари, ҳарбий хизматга бел боғлаган эр йигитларнинг Ватанга бўлган муҳаббат, ҳарбий бурчга ва касбга садоқат туйғуларини ошириш, уларнинг жанговарлигини юксалтиришга қаратилган,— дейди Марказий офицерлар саройи маданият бўлими катта инструктори, капитан Рустам Сатторов.

Учрашувда иштирок этган офицерлар, аскарлар ва уларнинг оила аъзолари қўшиқчи билан бевосита мулоқотга киришишди. Савол-жавоб тарзида ўтган тадбирда Манзура ўзининг янги қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этди.

Учрашув сўнгида қўшиқчи Манзура Йўлдошева "Ёшлар ва қуролли кучлар шахсий таркибининг Ватанга бўлган муҳаббат, ҳарбий бурчга ва касбга садоқат туйғуларини оширишга ва маънавий юксалишига қўшган ҳиссаси, ҳарбий хизматчиларнинг мардонавор хизматларини қўшиқ санъати орқали кенг халқ оммасига тарғиб этганлиги учун Мудофаа вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,
"Туркистон-пресс"

ТАЙВАНДАГИ РЕФЕРЕНДУМ ТЎҒРИСИДА

2008 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДА ТАЙВАНЬ МАЪМУРИЯТИ 2008 ЙИЛНИНГ 22 МАРТИДА «ТАЙВАНЬ» НОМИ БИЛАН БМТГА АЪЗО БЎЛИБ КИРИШ ҲАҚИДА РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Референдум ўтказилиши Тайваннинг халқаро мақомини ҳеч қандай тарзда ўзгартирмаслиги мутлақо шубҳасиздир. Унинг ўтказилиши фақат Тайвань қўлтиғидаги тангликнинг жиддий кучайишига олиб келиши ва Осиё минтақасида барқарорликни сақлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси «ягона Хитой» сиёсатига ўз тарафдорлигини яна бир бор тасдиқлаб, Тайвань мустақиллигига қарши эканини билдиради ва уни БМТга аъзо бўлиб кириш масаласида референдум ўтказиш режасидан воз кечишга чақиради.

«Жаҳон» АА

* * *

ТАЙВАНЬ МАЪМУРИЯТИНИНГ БМТГА АЪЗО БЎЛИБ КИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ БАЁНОТИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Тайвань маъмуриятининг 2008 йил 22 мартда референдум ўтказиш орқали Тайваннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кириши борасидаги хатти-ҳаракатларига қарши эканини маълум қилади.

Мазкур қадам БМТ Низомининг тегишли бандларига зид бўлиб, Тайвань қўлтиғидаги вазиятни кескинлаштириб юбориши, минтақадаги барқарорликни, миллионлаб инсонлар тинчлиги ва хавфсизлигини таҳдид остида қолдириши мумкин.

Тайвань Хитойнинг ажралмас бўлаги эканлигини тасдиқлаб, ШҲТга аъзо давлатлар Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Тайвань масаласидаги нуқтаи назарини доимо қўллаб-қувватлайди, «Тайван мустақиллиги»нинг ҳар қандай кўринишига қатъий қарши эканини билдиради ҳамда унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш борасидаги уринишларини самарасиз ва хавфли, деб ҳисоблайди.

Пекин шаҳри,
2008 йил 17 март

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЎТГАН ЙИЛДА БАРЧА МАСАЛАЛАР ҚАТОРИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ. ШУНИНГДЕК, ЖОРИЙ ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАҚИДА ТЎХТАЛАР ЭКАН, ЖУМЛАДАН «УЧИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА УНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА КАСАНАЧИЛИК СОҲАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ», ДЕБ ҚАЙД ЭТДИ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛАДИ

— Юртбошимизнинг ҳар бир масала юзасидан айтган гапларини диққат билан тинглар эканман, — дейди тажрибали тадбиркор, «NISO TEKSTIL» хусусий корхонасининг раҳбари Рокия Ҳабиялиева, — айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига ҳар доимгидек қаратган юксак эътиборларидан тўлқинланиб кетдим. Мамлакатимизда кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки уни аввало сифат жиҳатдан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши даркорлиги таъкидлаб ўтилди. Албатта, шуниси қувонарлики, юртимизда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларига эътибор кучли, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, илғор усуллардан, замонавий технология ва энг сўнгги ютуқларни ўзида мужассамлаштирган технологик линия, дастгоҳ ва ускуналардан самарали фойдаланилаётгани сифатли ҳамда рақобатбардош, ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг учун эса ҳар бир тадбиркор яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланмоғи, омилкорлик билан иш юритмоғи, бозор талабини тинмай ўрганмоғи лозим. Ана шунда «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли товарлар нафақат ички, балки хориж бозорида ҳам ўрнини топади.

«NISO TEKSTIL» хусусий корхонаси тадбиркорлари ўзларининг бир неча йиллик фаолиятлари давомида ишлаб чиқараётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан ички бозорда ўрнини топди дейиш мумкин. Шунинг баробарида корхонада тайёрланаётган кичкинтойлар либосларининг харидорлари қўшни давлатларда ҳам бор, улардан ҳам айни пайтда кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Харидорлар сафининг кенгайиши, буюртмаларнинг кўпайиши ишлаб чиқаришни кенгайтиришни талаб этмоқда. Ана шуни назарда тутган корхона мутасаддилари яқинда пойтахтимизнинг Бектемир туманидан бино сотиб олишди. Эндиликда цехлар кенгайтирилади, яна қўшимча замонавий тикув машиналари келтирилади ва албатта Ёшлар йилида улар учун қўшимча ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган.

— Цехларимиз асосан Япония, Малайзия давлатларидан келтирилган бичиш, тикиш, нақш солиш машина ва ускуналари билан жиҳозланган, — дейди Рокия Ҳабиялиева корхона фаолияти ҳақида тўхталиб. — 100 фоиз пахтадан тайёрланган матолардан фойдаланиб эндигина дунёга келган ғўдаклардан тортиб, 4 ёшгача бўлган кичкинтойлар учун либослар тайёрлаймиз. Бугунги кунда моделларимиз турлари 200 тадан ошган бўлса улар орасида чақалоқлар учун зарур бўлган тўплам-конвертларнинг 10 хилдан ортиғи бор. Янги моделларни яратишда хорижий ҳамкорларимиз тажрибаларидан фойдаланамиз.

Тадбиркор Рокия Ҳабиялиева тажриба алмашиш, янги моделлар яратиш мақсадида тез-тез Туркия, Хитой, Дубай давлатларида иш сафарларида бўлади, халқаро кўргазмаларда қатнашиб, уларни корхона фаолиятида ижодий қўллайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 хилдан зиёд болалар кийимлари моделлари яратилиб, харидорларга етказиб берилган бўлса, Янги йилни тадбиркор жамоа аҳли 5 та янги моделдаги маҳсулотлар билан бошлашди. Энг асосийси эса четники билан бемалол рақобатлаша оладиган ушбу маҳсулотлар бир неча бор арзон ва қулайлиги, кичкинтойларнинг соғлом ўсишлари инобатга олинганлиги билан ажралиб туради. Ана шу тўплам ва кийим-кечакларни бичиш, тикиш ва харидор талабларига жавоб берадиган тарзда ўрашда бригада бошлиғи, моҳир чевар Наргиза Охунжонова ҳамда Дилдора Камолова, Хуршида Қосимова, Муяссар Бозорова, Меҳриноз Ёқубова, Саида Жалолиддинова сингари тикувчиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Тадбиркорларнинг режалари хусусида тўхталадиган бўлсак, улар ўз маҳсулотларини Қирғизистон, Россия ва бошқа давлатларга экспорт қилиш ниятида музокаралар олиб боришмоқда. Янги бинода иш бошлагач, албатта ишчи-ходимларга яратиладиган шарт-шароитлар ҳам шунга яраша бўлади. Буюртмаларни ўз вақтида бажариш учун замонавий жиҳозланган янги цех очилиб, яна 40-50 нафар аёлларни иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Рокия опанинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, бозорни кунига эмас, балки тинмай— соатига ўрганиб, ҳар куни янги-янги кийим-кечак моделлари яратиш, харидорларни хушнуд этиш асл мақсадлар сирасидандир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхона чеварлари сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни харидорларга тортиқ этишда асло толмайдилар.

Козим Ўлмасов олган суратлар

Шу маънода Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда ўтказилган давра суҳбати ҳам айнан ўсмир-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг тўғри йўлдан адашмаслиги, турли ноқонуний оқимларга қўшилиб қолмаслиги масалаларига бағишланди. Тошкент шаҳар дин ишлари қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳар дин ишлари қўмитасининг масъул ходими Муродил Ҳайдаров, Тошкент православ черкови ўқитувчиси Олег Шковородюк ва бошқалар иштирок этиб мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

— Бугунги кунда ёшларнинг таълим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган, — деди жумладан тадбирда сўз олган Муродил Ҳайдаров. — Афсуски, ҳамма ёшлар ҳам ушбу имкониятлардан тўғри, унумли фойдалана олмаяптилар. Билиб-билмай турли диний оқимлар таъсирига тушиб қоляптилар. Биз ҳамиша огоҳ бўлиб вақтида ёшларимизга тўғри йўлни кўрсата олишимиз, уларнинг теран фикрли, она-Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиб вояга етишларига ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Давра суҳбатида шунингдек христианликда ҳам миссионерлик ҳаракати кучайиб бораётгани ҳақида Тошкент православ черкови ўқитувчиси Олег Шковородюк сўз юритиб, ўқувчиларга ушбу оқимнинг жамиятимизга зарарли таъсири ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, тадбирда лицей ўқитувчилари ва аълочи-талабалар ҳам сўзга чиқишиб ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар ва ушбу мавзуда видеороликлар намойиш қилинди.

Фойдали ва сермазмун тарзда ўтган ушбу тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Зеро, бундай тадбирларни ўтказиш келажак авлоднинг жисмонан, маънан ва руҳан баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК — КОМИЛЛИККА ЭЛТАДИ

ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ АВВАЛО АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЭРИШИШГА БОҒЛИҚ. МАМЛАКАТИМИЗДА БУ БОРАДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУНДА АВВАЛО ФУҚАРОЛАРНИНГ, АЙНИҚСА ЁШ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ЖИСМОНАН ВА РУҲАН СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИБ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

ТАЪЛИМ УЗЛУКСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 4-САНАТОРИЙ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИДА 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИГА ЙЎНАЛТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Йиғилишда битирувчилар, уларнинг ота-оналари, интернат мактаб маъмурияти ва тумандаги қатор касб-ҳунар коллежлари вакиллари иштирок этди.

—Мамлакатимизда ўн икки йиллик таълим тизимига тўлиқ ўтиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда,—деди мактаб интернат директори Ш.Аҳмедова.—Билим даргоҳимиз ўқитувчи ва тарбиячилари ҳам ҳар бир битирувчининг иқтидори ҳамда қизиқишига мос йўналишни танлашларига имкон қадар кўмаклашишмоқда. Ўтган йили мактаб-интернатни 21 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг кўпчилиги академик лицей ва коллежлар талабаси бўлишди. Қолганлари эса ўнинчи синфда ўқишларини давом эттиришди. Бу йилги битирувчилар ҳам ўз қизиқишлари бўйича ўқишларини давом эттиради, деган умиддаман.

Шундан сўнг коллежлар вакиллари сўзга чиқиб, бу билим даргоҳларида талабаларга яратилган шарт-шароитлар, спорт секциялари, тўгараклар, эгалланадиган мутахассисликлар ва бу касбларнинг инсонлар ҳаётида тутган ўрни хусусида батафсил маълумот беришди. Дўмбробод маҳалласининг раиси А.Муталов эса Чилонзор туманида жойлашган барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тўғрисида маълумот бериб, уларда ўқишни давом эттиришни хоҳловчи чилонзорликлар учун бериладиган имтиёзлар хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнгида мактаб интернат психологи А.Нарзуллаева ўн етти нафар битирувчининг қизиқишлари, иқтидор ва имкониятларини, қайси касбга мойилликларини аниқлаш учун ўтказилган тест натижалари асосида кимнинг қайси коллеж ёки академик лицейни танлаши мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

Мактаб интернат битирувчилари ва ота-оналар ўзларини қизиқтирган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тўғрисидаги барча саволларига жавоб олишди.

«Туркистон-пресс»

Иқтисодиёт

«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҒИ БИЛАН

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ОРАСИДА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ, УНИ ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ ҚУВОНАРЛИ, АЛБАТТА. БУНИНГ УЧУН ЮКСАК БИЛИМ, МАҲОРАТ ВА ШУБҲАСИЗ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР, ДАСТГОҲ ҲАМДА УСКУНАЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

Бундай корхоналар орасида «LIMA TEKS-SERVIS» масъулияти чекланган жамияти алоҳида ўринга эга. Боиси, 25 нафар малакали ишчи-хизматчилардан иборат жамоанинг харидоргир маҳсулотларининг тўқсон фоизи Россия давлатига «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан экспорт қилинмоқда. Ҳозирда яна бир неча янги лойиҳалар устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган мазкур жамият тадбиркорлари ишлаб чиқаришда илғор технологиялардан самарали фойдаланиш сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда муҳим омил эканлигини тўғри англаганлар. Жумладан, маҳаллий хом ашё — пахтадан тайёрланаётган мавсумий эркаклар носкилари хориж бозорини ўрганиш асосида жаҳон андозаларига мослиги билан буюртмачилар сафи кенгайишини таъминламоқда.

Жорий йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги маҳсулот турларини тайёрлашни ўз олдига мақсад қилган жамоада янги иш ўринлари яратиш режавий амалга оширилмоқда.

ИПАК ИПЛАР ЖИЛОСИ

МИЛЛИЙЛИГИМИЗ НАМОЁН БЎЛГАН БУЮМЛАР— КИЙИМ-КЕЧАК, УЙ-РЎЗҒОР АНЖОМЛАРИ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗИ ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТИКЛАНИБ, РИВОЖЛАНИБ, САФЛАРИДА КЎПЛАБ ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРАЁТГАН КАШТАЧИЛИК САНЪАТИ МОМОЛАРИМИЗДАН ҚОЛГАН МЕРОСЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Чилонзор туманида ҳунарманд сифатида фаолият юритаётган Нилуфар Исманова ҳам бувиси Хуршида Ёқубовадан каштачилик сир-асрорларини жуда ёшлигидан севиб ўрганди. Адрас матосига табиий ранг берилган ипак иплар жилоси кўрган кўзларни қувнатади. Кашталар устаси ипларни бўяшда ишлатиладиган анор пўстлоғи, ёнғоқ, пиёз, индигр ўтидан фойдаланади ҳамда меҳр-муҳаббат билан кашталарни тикади.

Бир-бирини такрорламайдиган маҳсулотлар — зардевор, ёстиқжилд, ойнахалта, ҳамён, дўппи, шиппаклар қўли гул ҳунарманд қизнинг маҳоратидан далолат ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Президент совғини учун ўтказиладиган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг туман босқичида Нилуфар Исманова «Энг яхши ҳунарманд» номинациясида 2-ўрин соҳиби бўлди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

2008 — Ёшлар йили

ЁШ АВЛОД МАНФААТИ – ҲИМОЯДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ, РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси И.Юсупова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида ёш авлод камолоти, истиқболи тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш устувор аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавий-маърифий соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнини қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ёш авлоднинг чуқур ва пухта билим эгаллаши, мукаммал тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва қобилиятига мос тарзда касб-ҳунар ўрганиши, жамиятимизда ўз муносиб ўрнини эгаллашида муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига кўра ёш авлод манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга оид эзгу ишлар кўлами тобора кенгаяётгани эътиборлидир.

Ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, таълим тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва янада такомиллаштириш, бу соҳадаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида тарбиялаш каби масалалар ушбу ҳужжатда муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича бюроси раҳбари Илэйн Фултц, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар диққатга сазовор эканини таъкидлади.

Конференцияда болалар ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олишда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, таълим масканларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, бу борадаги чора-тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Наврўз нашидаси

Тадбирлар

ДИЛЛАРДА НАВРЎЗ СУРУРИ

МАНА, НИҲОЯТ СОҒИНИБ, ИНТИҚИБ КУТГАНИМИЗ ГЎЗАЛ ВА МАФТУНКОР БАҲОР, ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ САНАЛМИШ НАВРЎЗИ ОЛАМ ЮРТИМИЗ УЗРА КЕЗМОҚДА.

Ватанимизнинг барча гўшаларида Наврўз шукуҳи, нашидаси намоён бўлмоқда. Маҳаллаларда, корхона, ташкилотлар, олий ўқув юртларида, ҳамма-ҳамма жойда Наврўз айёмини шодиёна нишонлашга, катта дошқозонларда сумалак ва ҳалимлар пиширишга киришганлар. Айниқса жажжи болажонларнинг қувончи чексиз. Наврўз шодиёналарида сумалак қайнаётган қозон атрофидаги шўхшодон ўйин-кулгулардан завққа тўладилар.

Ана шундай байрам тадбири куни кеча Чилонзор туманидаги Дўмбиробод гузарида бўлиб ўтди. Бу ерга тумандаги «Катта Дўмбиробод» маҳалласининг нуроний онахонлари, маҳалланинг фаол аёллари йиғилдилар. Меҳмонлар учун байрам дастурхони безатилиб, баҳор ва Наврўз таомлари бўлган сумалак, кўк сомсаю чучваралар ва бошқа ширинликлар тортилди. Қишнинг совуқ изғиринларидан толиқиб, зериккан аёллар бир пиёла чой устида бир-бирлари билан дийдорлашиб, омонлашиб, дилдан суҳбат қуриб кўнгиллари беҳад шод бўлди.

«Ассалом Наврўз» деб номланган мазкур байрам тадбирида маҳалла оқсоқоли Абдуҳаким Муталов сўзга чиқиб, йиғилганларни Наврўз айёми билан муборакбод этди. Шундан сўнг тумандаги 114-мактаб ўқувчилари ўзларининг Наврўз ва баҳорни мадҳ этувчи қувноқ куй-қўшиқлари, шўх рақслари билан даврага ўзгача файз киритдилар. Тадбирда маҳалланинг пиру бадавлат онахонлари, халқ таълими соҳасида самарали меҳнат қилаётган ва маҳалланинг жонкуяр фаол аёллари Фахрий ёрлиқ ҳамда байрам совғалари билан тақдирландилар. Тадбир давомида чеҳраларида баҳорий кайфият ва мамнунлик уфуриб турган нуроний онахонларнинг севимли ва қадрли байрамимиз Наврўз ҳақидаги дил сўзларини тингладик.

—Қадриятларимизни ўзида намоён этувчи Наврўз бу йил ўзгача файзу тароват билан кириб келмоқда,—дейди маҳалланинг нуроний онахонларидан Назира опа Ҳайдарова.—Наврўз — меҳр-оқибат, яшариш,янгиланиш ва эзгулик байрамидир. Бу байрам барчани хайр-саховатга, яхшиликка ундайди. Яратиш ва яшатишга, атрофимизни обод қилишга чорлайди. Оллоҳга шукр, Мустақиллик туфайли Наврўзимиз қайта тикланди. Миллий қадриятларимиз қадр топди. Илоҳим юртимиз тинч, Наврўзимиз боқий бўлсин.

— Наврўз айёми барчамизга муборак бўлсин,—дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Клара Собирова. — Бу байрам халқимиз учун жуда қадрлидир. Бугун маҳалла аҳли билан Наврўз айёмини шодиёна нишонлаш учун йиғилдик. Қадрдонлар, кўни-қўшнилар, дугоналар бир-бирлари билан дийдорлашиб, ҳол-аҳвол сўрашмоқда. Кўнгилларидан ғубор кетиб, куй-қўшиқлардан диллари яйрамоқда. Қадриятларимиз, миллий анъаналаримизни улуғлаган ва ўзида акс эттирган севимли Наврўзимиз абадий яшасин. Яхши ниятлар ҳаммамизга йўлдош бўлсин.

Ҳа, шодиёна даврада мўътабар онахонларимизнинг дил сўзлари ва пок ниятларини тинглар эканмиз, Наврўз нашидаси ҳар бир хонадонга, ҳар биримизнинг қалбимизга кириб борсин. ҳамиша атрофимиздаги одамларга, яқинларимизга, дўст-биродарларимизга меҳр-оқибатли бўлайлик ва эзгулик улашиб яшайлик, дегимиз келади.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Наврўз байрами тадбиридан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

ДЎСТЛИК ТУҲФАСИ ЖЎНАТИЛДИ

ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ БЕРЛИНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИНИНГ НАВБАТДАГИ ТУРКУМИ ЮБОРИЛИШИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УШБУ ТУҲФА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖАМҒАРМАСИ УЧУН ШТАДХАГЕН ШАҲРИДАГИ «ICH-INTERNATIONAL CHILDREN HELP E.V.» ХАЙРИЯ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНДИ.

Жамғармага умумий қиймати 180 минг евродан зиёд бўлган ногиронлар аравачаларини юкловчи мосламага эга «Mercedes-Benz» микроавтобуси, рентгеноскопик лаборатория учун анжомлар, операция асбоб-ускуналари, тиббий-санитария материаллари ва бошқа жиҳозлар жўнатилди.

Инсонпарварлик юкини расмий топшириш маросимида «ICH e.V» президенти Д.Киндерманн, Штадхаген шаҳри бургомистри Б.Хельманн, шаҳар жамоатчилиги ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Д.Киндерманн сўзга чиқиб, Ўзбекистонга сафари таассуротлари билан ўртоқлашди. У мамлакат раҳбарияти томонидан ижтимоий соҳага, жумладан хаста ва ногирон болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътиборни алоҳида қайд этди.

«ICH e.V» хайрия ташкилоти раҳбари «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келинаётганини айтиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, «ICH e.V» инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган бошқа мамлакатлардан фарқли равишда мазкур юборилаётган юк ўз манзилига тўла-тўкис ва бус-бутун ҳолда етиб бориши масаласида кўнгли тўқ эканини таъкидлади. Д.Киндерманнинг сўзларига қараганда, айнан шу омил у раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг Ўзбекистон билан мамнуният ила ҳамкорлик қилишининг асосий сабабларидан биридир.

Б.Хельманн Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат аҳолисини, айниқса болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга ошираётган сиёсатини юксак баҳолади. У ушбу ажратилган инсонпарварлик ёрдами Штадхаген шаҳри ва «ICH e.V» ташкилотининг бу йўналишга қўшган ўзига хос ҳиссаси бўлиб қолишига умид билдирди.

Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик юки «CBT Logistics GMBH» экспедиторлик фирмаси темир йўл контейнерида манзилга етказиб берилади. Мазкур компания ҳомийлик қўмаги сифатида йўл харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олди. Унинг қолган қисми эса «ICH e.V» ташкилоти ҳисобидан қопланади. Мазкур инсонпарварлик юки жорий йилнинг 25 мартида Ўзбекистонга етиб келиши кутилмоқда.

Шухрат УМИРОВ
«Жаҳон» АА мухбири
Берлин

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

ҲИКМАТЛАР

Шундай дейишар экан бир қавми араб:
Насли тугасин, агар туғилса беадаб!

* * *

Эй бўри, кучингга бўлма мафтун,
Юз бергусидир додингни бир кун.

* * *

Худони эсла доим соғу бою шод юрганда,
Дилу жондан Худо дейсан, ахир, бахт юз ўгирганда.

* * *

Ким кучлию қудратлию ҳам паҳлавон?
Ўз нафсини енголган одам паҳлавон!

* * *

Инсофга кириб, ким хайр учун боғлар бел:
Топсин уни(нг) хайридан мадад муҳтож эл.

* * *

Бойлик ва амал – нокас учун оламда,
Ов чоғида ит яхши, ахир, одамдан.

* * *

Қилган кишини кўрмадим ишқинг туммор,
Қуллуқ қилишар сенинг қошингда ночор.

* * *

Кетмас давлатни берса тоат ила хуш,
Наф қилса мусофир молу давлат ила хуш.

* * *

Воиз нетар, эл қилмаса пандини қабул?
Пайғомни этишса рад, гуноҳкорми расул?

* * *

Калхат, деса, лочин қушини кимдаким
Кўзида унинг бир айби бордир балким.

* * *

Йўл юрсанг агар, йўлдан иборат олам,
Чоҳ кўргуси ҳар қадамда кўрқоқ одам.

* * *

Олам эли ёр бўлишини истаса табъ,
Муомала қил барчани(нг) феълига қараб.

* * *

Дарёга тушиб, агар чўкар бўлса киши,
Оёғу қўлига зўр бериш бўлгай иши.

* * *

Тиш бўлмаса, бурда нонга ҳам сабр этасан,
Нонинг ўзи бўлмаса агарда нетасан?!

* * *

Султон иши шу: ҳар куни фармон чиқарар,
Халқи бажаролмай уни сочи оқарар.

* * *

Бир-бирни аянг, кўнгилга берманг озор,
Яхши гина-кудратдан аҳиллик минг бор.

* * *

Дедимки: умид қудуғидан сув чиқади!
Афсуски, челакни-да ютиб кетган эди...

* * *

Тинчингни бузувчи ҳақиқатдан бегумон,
Кўнглингга ёқувчи ёлғон яхши, ишон!

* * *

Манзилидан ўтса-да фақирларнинг шоҳ,
Бир четига бўйрасин ўтирмас ҳеч гоҳ.

* * *

Кимнинг кўзига кўринса халқ хор,
Қолмайди улуғлик унда пойдор.

* * *

Мурувват қолмаса, айниса очун,
Чумоли ризқига кўз тикар лочин.

* * *

Жўмард еса бегонаю хеш ташвишини,
Номард эса ўйлайди фақат ўз ишини.

* * *

Бу тоифа кунни айш ила тунга улар,
Фарқ этмаса оч тун ила кунни, не билар?

* * *

Кудрат ила ўлчама одам мардини,
Ким зулм тиғини ушатса, бил мард уни.

* * *

Бир кимсани(нг) кўнглини олиш мақсадида,
Ўзга кишини ранжитиш бемаъни жуда.

* * *

Кўр: бўри агарчи эчкию қўйларни урар,
Шер бир куни муттаҳамни(нг) қорнини ёрар.

* * *

Такрорлади бир сўзни улуғлар беадад:
Бу халқ азал бор эди, бўлгай то абад!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

КАТТАЛАР УЧУН ЭРТАК

ТОШКЕНТДАГИ «ҲАМКОРЛИК» КЛУБИДА УКРАИНАЛИК ТАНИҚЛИ ПСИХОЛОГ ВА РУҲШУНОС РАЗИДА ТКАЧНИНГ «ҲАЙРАТОМУЗ ТУШЛАР ЁКИ КАТТАЛАР УЧУН СЕҲРЛИ ЭРТАК» НОМЛИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тақдимот хайрия йўлида ўтказилиб, китоблар сотувидан тушган маблағ 13 ёшли ногирон Элера Матқосимованинг даволанишига сарфланиши режалаштирилган.

— Китобни иш жараёнимда учрашган ва даволаган 25 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёлларнинг руҳий ҳолатидан, табиатидан келиб чиқиб ёзишга ҳаракат қилдим,—дейди муаллиф.—Бу руҳшунослик йўлидаги илк изланишим ҳисобланади. Бу йўл инсонга бирданига таъсир кўрсатмайди, балки маълум вақт оралиғида ўзимизни ва ҳаётимизни яхши томонга ўзгартиришимизга кўмаклашади.

Китоб асосан аёллар руҳияти ва табиатига қаратилган бўлиб, инсон чуқур руҳий тушкунликка тушиб қолганда ёки улкан йўқотишни бошдан кечираётганда ундаги «эртак»лар бу ҳолатдан чиқишига кўмаклашади. Шуни таъкидлаш лозимки, Разида Ткач Россия ва Украина мамлакатларида 15 йилдан буён руҳшунос консультант лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда ва табиийки, бу борада ўзига хос тажрибага эга. Ҳозирда у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидаги психология кафедраси талабалари билан учрашувлар ўтказмоқда. Р.Ткачнинг бўлғуси психологлар ўз амалиётларини мактаб-интернатларда, болалар уйида тарбияланаётган болалар билан ишлашдан бошлашса фойдадан холи бўлмайди, деган ғояси ҳозирда муҳокама этиляпти.

«Туркистон-пресс»

Теннис

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, АЙНИ КУНЛАРДА АҚШДА ТЕННИС БЎЙИЧА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТУРНИР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Мукофот жамғармаси 2,1 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Оқгул Омонмуродова мусобақани ғалаба билан бошлади. Дастлабки баҳсда ўзидан анча маҳоратли ҳисобланган россиялик Анастасия Родионовага қарши кортга чиққан Оқгул ишончли ҳаракат қилиб рақибини икки сетда 6/4, 6/3 ҳисобларида мағлуб этиб кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Энди ҳамюртимиз ушбу турнирнинг тўққизинчи поғонасида қайд этилган исроиллик Шакар Пеер билан куч синашади.

(Ўз мухбиримиз)

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Учтепа туманида илгари бир неча марта жиноят содир этиб жазоланган, лекин бундан тўғри хулоса чиқариб олмаган Станислав исмли шахс ушланганида аниқланишича, у маст ҳолда Ботир исмли шахс билан бирга, Чилонзор-12 мавзесида жойлашган «Ширин» кафеси олдида, пичоқ билан қўркитиб 1985 йилда туғилган «Цемент» заводи ишчиси, Чилонзорда яшовчи Антоннинг 250.000 сўмлик «Нокия-7500» уяли телефон аппарати ва 45.000 сўм пулини тортиб олиб, қочиб кетишган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-модда 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Миробод туманида Бехтерев-Сарикўл кўчаси, 8-уй олдида, 1986 йилда туғилган, ишламайдиган, Фарғона йўли кўчасида яшовчи Акбар жиноий шериклари Абдумалик ва Ортиқ исмли шахслар билан бирга, 94-мактаб ўқувчиси, Бехтерев-Сарикўл кўчасида яшовчи Артурни куч ишлатиш йўли билан қўркитиб, 30.000 сўмлик рюкзагини тортиб олиб, қочиб кетишаётган вақтида ички ишлар ходимлари томонидан ушландилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми «а,б» бандлари билан уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Чилонзор туманида 1969 йилда туғилган, муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси билан судланган, Тўқимачи 4-тор кўчасида яшовчи Шерзод, Фарҳод кўчасида қаровсиз қолдирилган, 1976 йилда туғилган, ишламайдиган, кичик ҳалқа йўли кўчасида яшовчи Жаҳонгирга тегишли «ВАЗ-21011» русумли автоуловнинг юкхонасини очиб, 40.000 сўмлик ғилдирагини ўғирлаб кетаётган вақтда жиноят-кидирув бошқармаси ходимлари томонидан ушланди.

Ўз.Р.ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан Шерзодга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Юнусобод туманидаги «Уч қаҳрамон» постида ППХ ходимлари томонидан, 1984 йилда туғилган, ишламайдиган, Сирдарё вилояти, Оқ олтин тумани, Заводский кўчасида яшовчи Жасур ушланиб,текшириб кўрилганида ёнидан марихуана гиёванд моддаси олинди.

Ўз.Р.ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Ички ишлар ходимлари томонидан Яккасарой тумани У.Носир кўчасида жойлашган «Пойтахт Ойл» ёқилғи қуйиш шохобчаси олдида, 1972 йилда туғилган муқаддам Ўз.Р.ЖКнинг 276- моддаси билан судланган, Дилхуш 2-тор кўчасида яшовчи Баҳодир ушланганда, ёнида героин моддаси борлиги аниқланди.

Ўз.Р.ЖКнинг 276-маддаси 2-қисми «а,б» бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● С.Раҳимов туманида 1974 йилда туғилган, муқаддам Ўз.Р.ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми ва 276 -маддаси 2-қисми билан судланган, Тараққиёт 1-кўчасида яшовчи Мансур Қорасарой кўчасида жойлашган автокорхона олдида, 1979 йилда туғилган, ишламайдиган, Қорақамиш 1/4 да яшовчи Одилга маълум миқдордаги героин моддасини 12.000 сўмга сотганлиги аниқланган.

Ўз.Р.ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Сергели туманида Қурувчилар кўчаси 3-уйда жойлашган «Интернет кафе»да 1982 йилда туғилган, ишламайдиган, Оқтепа мавзеси 17-уйда яшовчи Александр 1981 йилда туғилган, шу кафе рахбари Чоштепа 1-тор кўчасида яшовчи Анварга компьютерларини таъмирлаб беришини айтиб, жами 21 дона 8.400.000 сўмлик компьютерларини олиб кетиб, сотиб юборган.

Ўз.Р.ЖКнинг 168-моддаси билан фирибгарга жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бахтиёр ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор

Турфа олам

ДУШ ОСТИДА

ОДАМЛАР БОШҚАЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛИШ УЧУН НИМАЛАРНИ ҚИЛМАЙДИ, ДЕЙСИЗ.

Мюнхенда истиқомат қилувчи Петер Шелл исмли жаноб роппа-роса етти кеча-кундуз давомида душда чўмилди. Агар унинг танасидаги терилар ёрилиб кетмаганда чўмилишни давом эттириши ҳам мумкин эди. У кўпчиликнинг гувоҳлигида душ остига кираркан ўн кун чўмилишни ваъда қилганди. У сўзининг устидан чиқолмаган бўлса ҳам дунёдаги энг узоқ муддат чўмилган инсон сифатида эътироф этилди.

ЭНГ КЎП ГАПИРАДИГАН ОДАМ

ҲАТТО РАДИОБОШЛОВЧИЛАР ЎРТАСИДА ҲАМ ЎЗЛАРИНИ КЎРСАТИБ ҚЎЙИШНИ ИСТОВЧИЛАР БЎЛАРКАН.

Чилидаги Томе шаҳар радиостанцияси бошловчиси тинимсиз гапириш бўйича кўпчиликни ҳайратга сола олди. Ўша куни радио ташкил этилган кун эди. Шу муносабат билан микрофон олдига ўтирган бу бошловчи роппароса 133 соату, 7 дақиқа тинимсиз гапириб кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бу сухандон чакаги ёпилмайдиган туридан эканлигини исботлаб ҳам бера олди. Эндиликда тинимсиз жавраган Мигел Анхел Навворот энг узоқ эшиттириш олиб борган сухандон сифатида тан олинди.

ТАСОДИФИЙ ҲОДИСАЛАР ИШҚИБОЗЛАРИГА

АМЕРИКАНИНГ ОКЛАХОМА ШТАТИДА ТАСОДИФИЙ ҲОДИСАЛАРГА ҚИЗИҚУВЧИЛАР УЧУН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИШ БОШЛАДИ.

Ушбу ташкилот заминимизнинг турли бурчакларида содир бўладиган сув тошқинлари, зилзилалар, вулқон отилишлари ва шунга ўхшаш кутилмаган ҳодисалар содир бўладиган масканларга зудлик билан етказишни кафолатлайди. Башоратчилар, табиатдаги ҳодисаларни олдиндан белгиловчи ташкилотларнинг ахборотлари асосида фаолият кўрсатадиган бу сайёҳлик ташкилотига жуда кўплаб буюртмалар тушмоқда. Америка Қўшма Штатларида содир бўладиган кутилмаган талофатларга 45 соат олдин етказиб бориш нархи 1,5 минг доллар қийматида белгиланган. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги кутилмаган ҳодисаларга гувоҳ бўлиш эса масофа ҳамда бу ҳодисанинг нечоғлик камёблиги билан белгиланади.

АНТИҚА ТОМОШАЛАР

ҲА, САРЛАВҲАНИ ЎҚИБ ҲАЙРОН БЎЛАЁТГАНДИРСИЗ. ИСПАНИЯДА ҲАР ЙИЛИ "ХЎКИЗ ҚУВДИ" ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Бунда шаҳардаги баланд қаватли уйлар орасидан ўтган кўча танлаб олинади. Ушбу кўчага туташ бўлган қўшимча йўллар беркитилади, фақат шу кўча бўйлаб юриш имкониятигина қолдирилади холос. Барча қўшимча чиқиш ва кириш йўллари тўсиб қўйилади. Бу томошаларда иштирок этиш учун заминимизнинг барча бурчакларидан ишқибозлар ташриф буюрадилар. Одамлар, яъни иштирокчилар кўчага чиқарилиб, уларнинг ортидан бир неча хўкизлар қўйиб юборилади. Қатнашчилар кўча бўйлаб қочиб боришлари керак бўлади. Хўкизлар эса қочаётган оломоннинг ортидан қувиб, етиб олганларида сузиб, ҳатто ерга йиқитиб тепкилаб ташлайди. Ушбу томошаларда ҳар йили юздан зиёд иштирокчилар жароҳатланадилар, ҳатто ҳаётдан кўз юмган ҳолатлар ҳам бўлган. Сабаби нафақат хўкизга дуч келиб, қочаётганда оломон оёқ остида қолиб кетиб ҳам жароҳатланадилар. Ҳар йили бу томошаларда кўплаб талафотлар рўй берсада, у мунтазам ўтказилади. Тез ёрдам машиналари, шифокорлар шай турадилар. Бу томошада фақат эркаклар иштирок этишса керак, деб ўйлаётган бўлсангиз керак, афсуски,- бу ўйинларда жуда кўп аёллар ҳам қатнашадилар. Бир неча маротаба ҳукумат бу ўйинларни тақиқлаш ҳақида фармон чиқармоқчи бўлди. Лекин ишқибозлар бунга норозилик билдирганларидан сўнг фармон кучга киритилмади. Бутун дунёдан келаётган иштирокчи ва томошаталабларнинг ўзи ҳам мамлакат хазинасига маълум даражада фойда келтиради. Айниқса бу томошалар бўладиган вақтда миллионлаб сайёҳлар ташриф буюрадилар. Узундан узоқ кўчанинг бошига биринчи бўлиб соғ-омон чиқиб олганлар ғолиб ҳисобланиб махсус совринларга эга бўладилар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ тайёрлади

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ечиш ҳамда уларнинг таклифларини ўрганиш бўйича бошланган бизнес лойиҳаларга тезкор равишда кўмаклашиш мақсадида учрашувлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шу муносабат билан, Сиз ўз фаолиятингизда учраётган муаммо ва таклифларни 2008 йил 15 мартга қадар Кенгашнинг ишчи органи — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига ёзма ёки оғзаки равишда беришингизни сўраймиз.

Сизни ушбу йиғилишда иштирок этиш учун таклиф этамиз. Учрашувлар ҳар томонлама самарали бўлиши учун аввалдан ҳудудий бошқармаларнинг қуйидаги телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси телефон рақами	Тошкент шаҳар Давлат Солиқ бош бошқармаси телефон рақами	Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси телефон рақами	Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси телефон рақами
232-00-97	144-60-45	162-92-42	150-31-01

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳаланса нгиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

1850 x 2950 x 100 ммли, 640 x 2435 x 16 пўлат; гильотина, ишламайдиган ҳолдаги фрезерлик дастгоҳи сотиб оламан.
Т: 305-03-54.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-206

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилиш мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6

Топширилган вақти: 14:05